

СУГОРИШ МЕЛИОРАЦИЯСИ

Проф. Хамидов М.Х.

Асосий адабиётлар рўйхати

1. Xamidov M., Suvanov B., Isabaev K. “Sug’orish melioratsiyasi” O’quv qo’llanma. T.: 2020, 266 b.
2. Ritzema H.P. (Editor-in-Chief), 2006. Drainage Principles and Applications. Wageningen, Alterra, ILRI Publication no. 16, pp. 1125.
3. Xamidov M.X., Begmatov I.A., Isaev S.X., Mamatov S.A. “Suv tejamkor sug’orish texnologiyalari” O’quv qo’llanma. T.: TIMI, 2015, 232 b.
4. Xamidov M.X., Shukurlaev X.I., Mamataliev A.B. “Qishloq xo,jaligi gidrotexnika meliorasiyasi”. Darslik. T. Sharq, 2009, 379 bet.
5. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б. “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси”. Тошкент. Шарқ. 2008. -408 бет.

Қўшимча адабиётлар рўйхати

1. Ерхов Н.С., Ильин Н.И., Мисенев В.С. Мелиорация земель, - М.: Агропромиздат, 1991. - 319 стр.
2. Ирригация Узбекистана. I-IV томы.

Интернет материаллари

- 3 <http://tiiame.uz/uz/page/ilmiy-jurnallar> (Ирригация ва мелиорация журнали).
- 4 http://qxjurnal.uz/load/jurnal_2017/agro_ilm_2017 (Агро илм журнали).
- 5 https://elibrary.ru/title_about.asp?id=54940 (Журнал Вопросы мелиорация)

**Мавзу: “Суғориши тармоқларининг
таснифи, хисобий сув сарфлари.
Суғориши тармоқлари ва тизимишинг
фойдали иш коэффициенти”**

“Суғориш тармоқларининг таснифи, хисобий сув сарфлари. Суғориш тармоқлари ва тизимининг фойдали иш коэффициенти” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	талабалар
	ўқитувчи	
I. Кириш босқичи (10 дақиқа).	<p>1.1. Ўтган дарсни эслаш мақсадида саволлар беради.</p> <p>1.2. Мавзунинг номи, мақсади, режалаштирилган ўқув машғулот натижалари ва уни ўтказиш режаси билан таниширади.</p> <p>1.3. Машғулот маъруза, тушунтириш ва намойиш шаклида ўтказилишини ва баҳолаш мезонларини маълум қилади</p> <p>1.4 Фанни ўрганиш учун адабиётлар руйхати билан таниширади.</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар</p> <p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар</p>
II. Асосий босқич (55 дақиқа).	<p>2.1. Мавзу бўйича маъруза ва унинг режаси, асосий тушунчалар билан таниширади.</p> <p>2.2. Маърузани ёритувчи слайдларни Power pointда намойиш ва шарҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий билимларни баён қилади.</p> <p>2.3. Жалб қилувчи саволлар беради; мавзунинг ҳар бир қисми бўйича холосалар қилади; энг асосий тушунчаларга эътибор қаратади.</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб борадилар, саволларга жавоб берадилар.</p>
III. Якуний босқич (15 дақиқа).	<p>3.1. Мавзуни умумлаштиради, умумий холосалар қилади, якун ясади, саволларга жавоб беради.</p> <p>3.2. Талабаларга мавзу бўйича назорат саволларини эълон қилади.</p>	<p>Тинглайдилар, савол берадилар, саволларга жавоб берадилар ва уйга вазифани ёзиб оладилар.</p>

МАЪРУЗАНИНГ РЕЖАСИ

1. Суғориш тармоқларининг элементлари.
2. Очиқ суғориш тармоқлари. Бош (магистрал) канал лойихаси.
4. Дарёдан тўғонсиз сув олиш.
5. Хўжалик ички суғориш тармоқлари.
6. Муваққат суғориш тармоқларини лойихалаш.
7. Турли рельеф шароитидаги суғориш тармоқларини лойихалаш.

Суғориш тармоқларининг элементлари.

Суғориш тармоғининг вазифаси.

Суғориши тармоғининг асосий вазифаси сувни бош сув олиш иншоотидан олиб, суғориш техникаси элементларига етказиб беришдир.

Суғориши тармоғига қуйидаги талаблар қўйилади:

- режадаги сувни етказиб бериш;
- худудни маъмурӣ бўлинишига боғланган бўлиши;
- суғориладиган худудни ташкил этилишига мос бўлиши;
- қишлоқ ва сув хўжалиги ишларини механизациялашга тўсқинлик қилмаслиги;
- юқори техник даражада бўлиши;
- минимал узунлик ва арzon бўлиши;
- эксплуатация харажатларини кам бўлиши;
- халқ хўжалигининг бошқа соҳаларини талабларига жавоб бериши.

Суғориш тармоқлари *очик, ёпиқ ва комбинациялашган турларга бўлинади.*



Очиқ суғориш тармоқлари.

Очиқ суғориш тармоқлари **тупроқ үзанли** ёки **қоламали каналлар** ва

нов (лоток)лардан иборатdir

Бу тармоқларнинг асосий хусусияти уларнинг рельефга тўлиқ боғлиқлигидир.


Уларни планда лойихалашнинг асосий шартлари каналларга тўғри нишаблик бериш, катта каналларнинг кичикларини бошқара олиши ва каналдаги сув сатхини суғориладиган майдон сатҳидан баланд бўлишидир.

Сув манбасидан хар бир суғориладиган майдонга сув **доимий тармоқ** орқали ва далаларга **муваққат тармоқ** орқали етказилади. Доимий тармоқлар: **БК (МК), хўжаликлараро, хўжалик, хўжалик ички тармоқлар** ва шоҳ ариқлардир. **Муваққат ариқ, ўқ ариқ** ва **эгатлар** муваққат тармоқлардир.



Бош (магистрал) канал лойихаси

- БК суғориладиган майдонни сув билан ўзи оқар тизимда таъминлаши (командование), ўзанининг барқарорлиги, иқтисодий самарадорлиги ва ерларнинг геоморфологик шароит-ларига мослигини инобатга олиб, унинг трассаси аниқланади. БК учун оптималь нишаблик 0,0003-0,0005 га тенг. БК икки хил бўлиши мумкин:
 - *ўзи оқар, тўғонсиз сув оладиган*, агар дарёning (сув манбасининг) сув сатҳи БК бошидаги сув сатҳидан баланд бўлса;
 - *тўғонли, механик кўтариб сув олинадиган*.



Дарёдан тұғонсиз сув олиш

А нүктадаги БК суви сатхининг қиймати қуйидагича топилади :

$$H_A = \nabla H_A + h,$$

Б нүктадаги БК сувининг сатхи қуйидагича топилади:

$$H_B = H_A + i_c \cdot L_c,$$

бу ерда: i_c -БК салт қисмининг нишаблиги;

L_c - БК салт қисмининг узунлиги, м.

Дарёдан БК га Б нүктадан сув олиш учун қуйидаги шарт бажарилиши керак:

$$H_B^\partial \geq H_B + z + a,$$

бу ерда: H_B^∂ -Б нүктадаги дарё сувининг сатхи, м;

$Z = (0,2-0,3)$ м-сув қабул қилиш иншоотидаги юқори
ва қуиі бъефлар сув сатхларининг фарқи;

$a = (0,1-0,2)$ м-захира сатх қиймати, м.

Дарёдан тўғонсиз сув олиш

Агар шарт бажарилмаса, дарёдан тўғон қурмасдан сув олиш мумкин эмас ва дарёдан тўғонсиз сув олиш учун БК ни дарё ёқалаб юқори томонга трассалаш керак бўлади ва шартни бажарадиган С нуқта аниқланади.

Бу нуқтагача бўлган БК қўшимча трассасининг узунлиги аниқланади:

$$L'_c = \frac{H_B - H_B^\partial + z + a}{i_r - i_c},$$

БК нинг бу ҳолатдаги лойиҳаси вариантли ечимларни талаб қиласди ва дарёдан БК га сув олишни қуидаги усуулларда амалга ошириш мумкин:

- *дарёдан тўғон қурмасдан сув олиш;*
- *дарёдан тўғон қуриб сув олиш;*
- *насос станциялари ёрдамида сув олиш.*

Бирор бир вариантни танлаш қуидаги омилларга боғлиқдир:

- *иқтисодий ҳисоб-китоблар;*
- *сув қабул қилиши жойининг ишончлилиги;*
- *иш олиб бориши шарт-шароитлари;*
- *экологик масалалар* (дарёning гидрологик режими бузилмаслиги)

Хўжалик ички суғориш тармоқлари

Хўжалик ички тармоқлар ва шоҳ ариқларни планда лойихалаганда қуидаги талаблар бажарилиши керак:

- ўзларига осилган майдонларнинг чегараларидан ўтишлари ва улардаги сув сатҳи майдонларнинг (ер) сатҳидан баланд бўлиши;
- тўғри нишабликка эга бўлиши;
- ҳар бир дала мустақил сув олиши;
- кам узунликка эга бўлиши.

Суғориладиган далаларда суғориш тармоқлари муваққат бўлиб, ҳар йили суғориш мавсумида ва ҳар бир суғоришдан олдин олинади.



Ер устидан суғориш усули қўлланилганда, муваққат суғориш тармоқлари ҳосил қилинади.

Муваққат тармоқлар сувни шоҳ ариқлардан қабул қилиб, **бўйлама** ёки **кўндаланг** суғориш схемасида далага беради.

Бўйлама сугориши схемасида муваққат ариқлар орасидаги масофа ўқ ариқларнинг узунлигига teng қилиниб (70–120 м), уларнинг узунлиги 1-3 эгат узунлиги қийматида (1000 м дан ошмаган ҳолда) ҳосил қилинади.

Кўндаланг сугориши схемасида, муваққат ариқлар ораси 1 эгат узунлигига teng (400 м гача) бўлади.

Муваққат суғориши тармокларини лойихалаш



Муваққат ариқларнинг **бўйлама** суғориши схемасида жойлашиши.

- | | |
|------------------|------------|
| 1-хўжалик канали | 4- ўқ ариқ |
| 2-шоҳ ариқ | 5- эгатлар |
| 3- муваққат ариқ | 6- ташлама |

Муваққат ариқларнинг **кўндаланг** суғориши схемасида жойлашиши.

- | | |
|------------------|-----------------|
| 1-хўжалик канали | 4-эгатлар |
| 2-шоҳ ариқ | 5- ташлама |
| 3- муваққат ариқ | 6- хўжалик йўли |

Муваққат суғориши тармоқлари

Муваққат ариқларнинг **бўйлама** суғориши схемасида суғориладиган майдонларнинг нишаблиги 0,001-0,005 бўлганда қўлланилади. Муваққат ариқларнинг узунлиги 400-800 м қилиб олинади.

Муваққат ариқларнинг бўйлама суғориши схемасида жойлашишининг **камчиликлари**:

-5-6% фойдали майдонни эгаллайди;

-агротехника ишларини механизациялашга халақит беради;

-10% сув фильтрацияга йўқолади;

-мехнат унумдорлиги паст.

Афзаллиги – суғориши тармоғининг оддийлиги.

Муваққат ариқларнинг **кўндалан** суғориши схемасида суғориладиган майдонларнинг нишаблиги 0,004-0,01 бўлганда қўлланилади. Муваққат ариқларнинг узунлиги 400-800 м қилиб олинади. Сув муваққат ариқлардан эгатларга сифонлар ёрдамида берилади.

Мукаммаллашган суғориши тармоқларида муваққат тармоқлар **доимий** ёки **кўчма суғориши кувурлари** билан алмаштирилади.

Суғориши даласида ёмғирлатиб суғориши агрегатлари, машиналари қўлланилса, ўқ ариқ ва суғориши эгатлари олинмайди.




Суғориши тармокларининг конструкциялари

Тупроқ ўзанли каналлар

Каналларни қуриш ва эксплуатация қилиш қулай бўлиши учун улар асосан трапеция шаклида бўлади.

Ер юзасига нисбатан жойлашишига қараб каналлар **ярим қазилма-ярим кўтарма, кўтарма, саёз ва чукур қазилма** ва **қияликлардаги кўндаланг қирқимга** эга бўладилар.

Ярим қазилма-ярим кўтарма қирқимлар каналларнинг ишчи қисмида улардаги сув сатхини суғориладиган ерларнинг сатҳидан баланд бўлишини таъминлаш мақсадида қўлланилади.



m - каналнинг хўл қиялиги (откоси);

m_1 - каналнинг қуруқ қиялиги;

3- дамба;


x - ўйилма чуқурлиги;

y - сувнинг дамбага босими;

a – дамбанинг баландлиги.

Сүғориш тармокларининг конструкциялари

Кўтарма қирқимлар канални табиий пастликлардан ўтишида, резерв (захира) лардан олинадиган тупроқлар хисобига қурилади.




a - каналнинг туби кўтармали эмас; $h_{ср}$ - қирқиладиган қатлам қалинлиги;
б- каналнинг туби кўтармали ; $h_{подс}$ - қўтариладиган қатлам баландлиги;
в - канал тубининг эни; h – каналдаги сувнинг чуқурлиги.

Суғориш тармокларининг конструкциялари

Саёз қазилма қирқимлар каналларнинг салт қисмини қуришда, улардаги сув сатхи суғориладиган ерларнинг сатхидан баланд бўлиши талаб қилинмайдиган холларда қўлланилади.

Чукур қазилма қирқимлар бош каналларнинг бошланиш қисмларида қўлланилиб, откоси (қиялиги) нинг ҳар 4-6 метрида эни 2-3 метрлик бермалар қурилади.



1 - берма;

2- кавальер;

в- канал тубининг эни;


к- берманинг эни; z-захира;

f - каналнинг чуқурлиги;

Н – берманинг баландлиги.

Сүғориш тармокларининг конструкциялари

*Қияликлардаги каналлар*нинг пастки дамбаларини “тишлар” билан мустахкамлаш ва юқори қисмида қияликлардан тушаётган сув оқимларини ушлаб қолиш учун йиғувчи “канава”лар қурилади.



m - каналнинг хўл қиялиги (откоси); 4 - сув йиғувчи канава;

m_1 - каналнинг қуруқ қиялиги;


1 - берма;

K - дамбанинг эни;

\wedge – канал тубининг эни.

Хисобий қилем тұғрисида түшүнчә

Суғориши тармоғиниг чизиқли схемасы



I-Хисобий қисм учун:

$$Q_I^{6p} = Q_I^{nem} + S_I,$$

$$Q_I^{nem} = Q_{II}^{6p} + Q_2$$

II -Хисобий қисм учун:

$$Q_{II}^{6p} = Q_{II}^{nem} + S_{II},$$

$$Q_{II}^{nem} = Q_{III}^{6p} + Q_3$$


III -Хисобий қисм учун:

$$Q_{III}^{6p} = Q_{III}^{nem} + S_{III},$$

$$Q_{III}^{nem} = Q_4 + Q_5$$

Хисобий қием тұғрисида түшүнчә

Каналнинг кўндаланг кесими



Каналларнинг ҳисобий сув сарфлари

Нормал брутто ҳисобий сув сарфи – асосий ҳисобий сув сарфи ҳисобланиб, у орқали гидравлик ҳисоб натижасида канал кўндаланг кесим юзаси ўлчамлари ва ҳисобий қисмдаги сувнинг тезлиги аниқланади:

$$Q_{XK}^{\text{нор.бр}} = Q_{XK}^{\text{нор.нет}} + S_{XK}^{\text{нор}}, \quad \text{м}^3/\text{с}$$

$$Q_{XK}^{\text{нор.бр}} = \frac{Q_{XK}^{\text{нор.нет}}}{\eta^{\text{нор}}}, \quad \text{м}^3/\text{с}$$

$$Q_{XK}^{\text{нор.нет}} = E\Phi K \cdot \omega^{\text{бр}} \cdot \bar{q}_{\max}, \quad \text{м}^3/\text{с};$$

$$\bar{q}_{\max} = \frac{q_1 \cdot \omega_1 + q_2 \cdot \omega_2 + \dots + q_n \cdot \omega_n}{\sum \omega},$$

л/с·га,

Каналларнинг ҳисобий сув сарфлари

Минимал брутто сув сарфи – текширувчи сув сарфи ҳисобланиб, агар бу сув сарфи суғориш тармоғидан оқканда ундаги сув сатҳ кейинги каналдаги сув сатҳига нисбатан паст бўлса, унда ҳисобий қисмда сув сатҳини кўтариш учун сув тўсиш иншоотларининг ўрни белгиланади:

$$Q_{XK}^{\min.\delta p} = Q_{XK}^{\min.hem} + S_{XK}^{\min},$$

м³/с

ёки

$$Q_{XK}^{\min.\delta p} = \frac{Q_{XK}^{\min.hem}}{\eta^{\min}},$$

м³/с

$$Q_{XK}^{\min.hem} = \omega^{hem} \cdot q_{\min},$$

м³/с

$$q_{\min} = 0,4 \cdot q_{\max},$$

л/с·га.

Каналларнинг ҳисобий сув сарфлари

Тезлаштирилган сув сарфи – бу сув сарфи нормал брутто сув сарфидан катта бўлиб, бу бўйича канал дамбасининг баландлиги аниқланади:

$$Q_{mez} = K_{mez} \cdot Q_{XK}^{норбр}, \quad \text{м}^3/\text{с},$$

бу ерда:

K_{mez} -тезлаштириш коэффициенти,

$$K_{mez} = 1,05...1,20$$

Бу сув сарфи:

- сув билан таъминланганлик юқори йиллари катта оқим (паводок) ни ўтказишида;
- авария ҳолатларида;
- келажакда суғориш майдонларини кенгайтириш ҳолатларида намоён бўлади.


Тезлаштириш коэффициенти қийматлари

$Q, \text{м}^3/\text{с}$	<1	1 - 10	10 - 50	50 - 100
$K_{тез}$	1,20	1,15	1,1	1,05

Каналларнинг ва тизимнинг ФИК.

- Ҳар бир ҳисобий қисмнинг бошидаги сув сарфи - *брутто сув сарфи*, охиридагиси - *нетто сув сарфи* ҳисобланиб, уларнинг нисбати ҳисобий қисмнинг ФИК деб юритилади:

$$\eta = \frac{Q_{\text{нет}}}{Q^{\delta p}}$$



I - ҳисобий қисм учун:

$$\eta_I = \frac{Q_I^{\text{нет}}}{Q_I^{\delta p}},$$

II - ҳисобий қисм учун:

$$\eta_{II} = \frac{Q_{II}^{\text{нет}}}{Q_{II}^{\delta p}},$$

III - ҳисобий қисм учун:

$$\eta_{III} = \frac{Q_{III}^{\text{нет}}}{Q_{III}^{\delta p}}.$$

Каналларнинг ва тизимнинг ФИК.

Келтирилган чизиқли схема учун каналнинг ФИК:

- нормал сув сарфи учун:

$$\eta^{hop} = \eta_I^{hop} \cdot \eta_{II}^{hop} \cdot \eta_{III}^{hop},$$

- минимал сув сарфи учун:

$$\eta^{min} = \eta_I^{min} \cdot \eta_{II}^{min} \cdot \eta_{III}^{min},$$

Каналларнинг ва тизимнинг ФИК.

Агар суғориш тизими бош канал, хўжаликларо тармок, хўжалик тармоғи, хўжалик ички тармок, шоҳ ариқ ва мувакқат ариқлардан таркиб топишини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг ҳар бирининг ФИК:

$$\eta_{BK} = \frac{Q_{BK}^{\text{нет}}}{Q_{BK}^{\text{бр}}}; \quad \eta_{XAT} = \frac{Q_{XAT}^{\text{нет}}}{Q_{XAT}^{\text{бр}}}; \quad \eta_{XT} = \frac{Q_{XT}^{\text{нет}}}{Q_{XT}^{\text{бр}}};$$
$$\eta_{XIT} = \frac{Q_{XIT}^{\text{нет}}}{Q_{XIT}^{\text{бр}}}; \quad \eta_{SHA} = \frac{Q_{SHA}^{\text{нет}}}{Q_{SHA}^{\text{бр}}}; \quad \eta_{MA} = \frac{Q_{MA}^{\text{нет}}}{Q_{MA}^{\text{бр}}}$$

Суғориш тизимининг ФИК куйидагича бўлади:

$$\eta_T = \eta_{BK} \cdot \eta_{XAT} \cdot \eta_{XT} \cdot \eta_{XIT} \cdot \eta_{SHA} \cdot \eta_{MA}$$

Каналларнинг ва тизимнинг ФИК.

ҚМ ва Қ 2.06.03-97га асосан жиҳозланган суғориш тармоқларининг ФИК қийматлари

Суғориш тармоғи	Шох ариқ	Хўжалик ички тармоғи
Бетон қопламали	0,95	0,94
Нов	0,97	0,96
Кувур	0,99	0,98

Суғориш тармоқларининг ҳисобий сув сарфларини қўйидагича яхлитлаб олинса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- муваққат ариқ учун: 10; 20; 30; 40; 50; 60; 80 л/с.
- шох ариқ учун: 100; 120; 150; 200; 250; 300 л/с.
- ХИТ ва ХТ учун: 300; 350; 400; 500; 600; 700; 800; 1000; 1250; 1500; 1750; 2000; 2500; 3000 л/с.

Мавзу бўйича саволлар

- Суғориш тармоғининг асосий вазифаси нима?
- Суғориш тармоғига қандай талаблар қўйилади?
- Суғориш тармоқларининг қандай турлари мавжуд?
- Бош (магистрал) каналнинг турлари.
- Дарёдан БК га қандай усулларда сув олиш амалга оширилади?
- Муваққат тармоқлар планда қандай лойихаланади?
- Суғориладиган майдонларнинг нишаблиги қандай бўлганда бўйлама ва кўндаланг муваққат тармоқлар лойихаланади?
- Канал ҳисобий қисмларга қандай ажратилади?
- Нормал брутто ҳисобий сув сарфи нима учун керак?
- Минимал брутто ҳисобий сув сарфи нима учун керак?
- Тезлаштирилган сув сарфи нима учун керак?
- Тезлаштирилган сув сарфи қандай холатлар учун лойихаланади?
- Каналларнинг ва тизимнинг ФИК нима?
- Каналларнинг ФИК қандай аниқланади?
- Суғориш тизимиning ФИК қандай аниқланади?



**ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАХМАТ!**